

## ИНСОН КЎРКИ — ОДОБ

*(Одоб-ахлоқ ҳақидаги Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар)*

Тўпловчи ва таржимон: **Абдуҳафиз Абдужабборов**

«Тошкент ислом университети»

Нашриёт-матбаа бирлашмаси

Тошкент – 2004

### I. Хушхулқлик ва хушфеъллик ҳақида

**1. «Эзгулик ва тақво йўлида ҳамкор бўлинг. Гуноҳ ва адоват йўлида ҳамкор бўлманг.»**  
**(«Моида»,2)**

2. Расулulloҳ (с.а.в.) айтганлар:

— Мўминларнинг имонда баркамоллари хулқи яхшиларидир.

3. Расулulloҳ (с.а.в.) айтганлар:

— Мўмин хушхулқлик билан рўздор ва қоим (тунини тоат — ибодатда ўтказувчи) даражасига етади.

4. Расулulloҳ (с.а.в.)дан сўрадилар:

— Одамларга берилган неъматларнинг энг яхшиси нима, Расулulloҳ?

— Хушфеъллик, — дедилар.

5. Абдуллоҳ ибн ал-Муборак хушхулқликни таърифлаб бундай деган:

— Очиқ чеҳралик бўлиш, мудом яхшилик қилиш, ҳеч кимга озор бермаслик.

6. Расулulloҳ (с.а.в.) айтганлар:

— Қиёмат кунда мўминнинг тарозусига қуйиладиган энг салмоқли нарса яхши хулқдир.

7. Ан-Наввос деди:

— Расулulloҳ(с.а.в.)дан сўрадим: «Яхшилик нима-ю, ёмонлик нима?» Дедилар:

— Яхшилик хушфеълликдир. Бирор иш қилсанг-у, кўнглинг ғаш бўлиб, одамлар билиб қолишидан ҳадиксирасанг, ўша ишинг ёмонлик бўлади.

8. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Орангизда кимлар ёмонлигини айтайми? -Вайсақи, сафсатабозлар. Яхшилар кимлигини айтайми? - Хушфеъл, одоблилар.

9. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Дин ихлосдир. Сўрадик:

— Кимга? Дедилар:

— Аллоҳга, Унинг Китобига, Элчиси (Расули)га, мусулмон раҳбарларга ва мусулмон қавмларга.

10. Расулulloҳ (с.а.в.) айтганлар:

— Тешик-туйнуги йўқ қоятошнинг ичида бўлса ҳам бирор иш қилсангиз, барибир маълум бўлади.

11. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Аллоҳ таоло (фаришталарга) бундай деган (Унинг гапи эса доимо ҳақ): «Бандам бирор яхшилиқни ният қилиши билан яхшилиқ қилган савобини ёзиб қўйинг. Ниятини амалга оширса, ўнта савоб ёзинг. Мабодо ёмонликни ният қилса, ҳеч нарса ёзмай туринг. Ёмон ниятини амалга оширса, ўша ишига тенг гуноҳ ёзинг, амалга оширмаса битта савоб ёзиб қўйинг».

Кейин Расулуллоҳ мана бу оятни ўқидилар: **«Яхшилиқ қилганга савоб ўн баробар кўпайтириб ёзилур» («Анъом», 160).**

12. Расулуллоҳ(с.а.в.) дедилар:

— Художўйлигингизни ҳеч қўйманг! Бирор ёмонлик қилиб қўйсангиз, албатта уни ювадиган яхшилиқ ҳам қилинг! Одамлар билан муомалада хушфеъл бўлинг!

## II. Мўмин-мусулмонларнинг бир-бирларига муносабатлари ҳақида

### 13 «Мўминлар бир-бирларига биродардирлар» («Ҳужурот», 10)

14. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Мусулмон мусулмонга биродар. Одам биродарини алдамайди, унга хиёнат қилмайди, уни хўрламайди. Мусулмоннинг энг қабиҳ иши — мусулмон биродарини ҳақоратлашидир.

15. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Биродарига зулм қилмайди, хиёнат қилмайди. Биродарининг ҳожатини чиқарганинг ҳожатини Аллоҳ чиқаради. Мусулмоннинг оғирини енгил қилган кишининг Қиёмат кундаги оғирини Аллоҳ енгил қилади. Мусулмонни паноҳига олгани Қиёмат кунда Аллоҳ паноҳига олади.

16. Расулуллоҳ(с.а.в.) дедилар:

— Бир-бирингиздан нафратланманг, ҳасад қилманг, адоватда бўлманг, Аллоҳнинг бир-бирига биродар бандалари бўлинг.

17. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— ўзига раво кўрганини биродарига ҳам раво кўрмагунча ҳеч ким мўмин бўлмайди.

18. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Ўзинга раво кўрганини ўзгаларга ҳам раво кўрсатсангина мусулмон бўласан.

19. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Одамларга на тили ва на қўли билан озор бермайдиган кишиларгина мусулмон бўладилар.

20. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: Мусулмоннинг биродари олдида олти бурчи бор.

- Улар қайсилар, Расулуллоҳ?

- Учрашганда салом бериш, чақирганида бориш, сўраганида маслаҳат бериш, акса уриб «алҳамдулиллаҳ» деса, «ярҳамукаллоҳ» деб ташмит айтиш, бетоб бўлса, зиёрат қилиш, вафот этса, жанозасида қатнашиш.

21. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

- Мусулмоннинг мусулмон билан уч кеча-кундуздан ортиқ аразлашиб юриши мумкин эмас. Араз уч кундан ортиқ чўзилса, иккови ҳам адашган бўлади. Аразни биринчи бўлиб бас қилиш гуноҳни ювади. Салом берса-ю, биродари алик олмаса, малоикалар алик олишади, алик олмаганга эса шайтон салом беради. Аразлашган ҳолда дунёдан ўтиб кетсалар, жаннатда қеч қачон учрашмайдилар (яъни улардан бири жаннатга тушмайди).

22. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

- Биродарининг узрини қабул қилмаганнинг гуноқи ноҳақ солиқ тўлашни талаб қилганнинг гуноҳидек бўлади.

23. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Кечиримли бўл, сенга ҳам кечиримли бўлишади.

24. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Қўлингиздан келганча биродарларингизга хизмат қилинг.

25. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Керак бўлганида биродарингиздан маслаҳатингизни аяманг.

26. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Нотўғри фатвога кўра қилинган ишнинг гуноҳи фатво берувчига бўлади. Била туриб биродарига нотўғри маслаҳат бериш хиёнат қилиш билан тенгдир.

27. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Биродаринг зулм кўраётган бўлса ҳам, зулм қилаётган бўлса ҳам, ёрдам бер.

Бир киши сўради:

— Зулм кўраётганга-ку ёрдам бераман. Зулм қилаётганга қандай ёрдам бераман, Расулуллоҳ? Дедилар:

— Зулм қилишдан тўхтатасан. мана шу ёрдаминг бўлади.

28. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Бир-бирингизга ҳадялар бериб туринг, ҳадя дилдаги кекни кеткизади.

29. Абу Абдураҳмон ал-Ҳублий деган:

— Биродарингизга доно маслаҳатдан ортиқ ҳадя беролмайсиз.

30. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Таклифни ерда қолдирманг, ҳадяни рад этманг.

31. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— «Бизга яхшилик қилишса, биз ҳам яхшилик қиламиз, бизга зулм қилишса, биз ҳам зулм қиламиз», - дейдиган пасткаш бўлманг. Қалбингизни сизга яхшилик қилганга албатта яхшилик қилишга, ёмонлик қилганга эса ёмонлик қилмасликка ўргатинг.

32. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Бирор киши биродарига «Кофирсан» деса, икковидан бири кофир бўлади: гапи тўғри бўлса — биродари, нотўғри бўлса — ўзи.

33. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Мўминни лаънатлаш гуноҳи уни ўлдириш гуноҳи билан баробар.

34. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Икки мусулмон қилич солишса, ўлдирган ҳам, ўлган ҳам дўзахга тушади.

Одамлар сўрашди:

- Бу-ку одам ўлдиргани учун, ўлгани нечун, Расулуллоҳ?

Дедилар:

— У ҳам биродарини ўлдирмоқчи эди-да!

35. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:  
- Мусулмон билан урушиш - кофирлик, уни сўкиш эса — фосиқлик.

36. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:  
- Ота-онани сўкиш гуноҳи кабиралардандир. Сўрадилар:  
— Одам ҳам ота-онасини сўкадимми?  
— Ҳа, — дедилар. - Бировнинг отасини сўкса, ўз отасини сўккан бўлади, онасини сўкса, ўз онасини сўккан бўлади.

### III. Одамларни мурасага келтириш ҳақида

**37. Мўминлар бир-бирларига биродардирлар. Биродарларингиз билан мураса қилинглар. («Ҳужурот», 10)**

**38. Мўминларнинг икки тоифаси урушиб қолса, уларни мурасага келтиринглар. («Ҳужурот», 9)**

39. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:  
— Зинҳор одамлар орасига нифоқ солманг. Нифоқ қирон келтиради.

40. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:  
— Рўза, намоз, садақадан афзал ишни айтайми?  
- Айтинг, Расулulloҳ.  
- Урушиб қолганларни яраштириш. Нифоқ солиш эса қирон келтиради.

### IV. Қариндошчилик ва қўшничилик ҳақида

41. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:  
— Савоби энг тез тегадиган яхшилик—олижаноблик (саховат) билан қариндошчиликни мустаҳкамлаш. Жазоси энг тез тегадиган ёмонлик — ноинсофлик билан қариндошчиликни узиш.

42. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:  
- Қариндошчиликни узган билан қариндошчиликни тиклашинг, сўраганигда бермаган киши сендан сўраганда беришинг, сўкканни кечиршинг — энг яхши фазилатлар бўлади.

43. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:  
- Қўшнингга яхши муносабатда бўл — мусулмон бўласан.

44. Расулulloҳ (с.а.в.):  
- Худо ҳаққи, имони йўқ, имони йўқ, - дедилар.  
- Кимнинг имони йўқ, Расулulloҳ?  
Дедилар:  
- Касофатидан қўшниси омон бўлмаганнинг имони йўқ.

45. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:  
- Парвардигорим ҳаққи, ёмонликлари билан қўшнисига озор берадиган киши жаннатга кирмайди.

46. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

- Аллоҳга, Қиёмат кунига имон келтирган киши қўшнисига озор етказмайди.

47. Бир киши Расулulloҳ. (с.а.в.)дан сўради:

- Қилган ишим яхшилик ё ёмонлик бўлганини қайдан билсам бўлади, Расулulloҳ?

Расулulloҳ (с.а.в.) айтдилар:

- Қўшнилари «яхши қилдинг», дейишса, яхшилик қилган бўласан, «ёмон қилдинг», дейишса, ёмонлик қилган бўласан.

48. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Абу Зар, шўрва пиширсанг, сувини кўпроқ сол, қўшнилари «ҳам чиқарасан».

49. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Ерини сотмоқчи бўлган одам аввал қўшнисини хабардор қилсин.

## V. Меҳр-мурувват ҳақида

**50. Бир-бирингизга фазлу мурувват қилишни унутманг. Аллоҳ нима қилаётганингизни кўриб - билиб туради. («Бақара», 237)**

**51. Бунинг (неъматларининг) эвазига мен фақат яқинларингизга меҳр-муҳаббатли бўлишингизни талаб қиламан. («Шўро», 23)**

52. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Аллоҳ раҳмдил бандаларигагина раҳм қилади.

53. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Меҳр кўргазмаган меҳр кўрмайди.

54. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Қийин аҳволга тушиб қолганинг мушкулени осон қилган кишининг мушкулени Аллоҳ бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам осон қилади.

55. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Раҳмдилларга Раҳмон раҳм қилади. Сиз ердагиларга меҳрибон бўлсангиз, сизга Осмондаги меҳрибон бўлади.

56. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Дуоסי ижобат бўлиб, ғам-ғуссадан фориғ бўлишни истаган киши қийин аҳволда бўлган кимсанинг мушкулени осон қилсин.

57. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Бу дунёда одамларга азоб бергани у дунёда Аллоҳ азоблайди.

58. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Кичигимизни иззат, каттаимизни ҳурмат қилмаган бизнинг умматдан эмас.

59. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Ёшлигида кексаларни ҳурмат қилган кишига унинг ўзи улғайганида иззат-ҳурмат кўрсатадиганларни Аллоҳ белгилаб қўяди.

60. Бир киши Расулуллоҳ(с.а.в.)га ўзининг тош-бағирлигидан шикоят қилди. Расулуллоҳ(с.а.в.): — Етимнинг бошини силагин, мискин-бечораларнинг қорнини тўйғазгин, қалбинг юмшайди, — деб маслаҳат бердилар.

61. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Бева ва бечораларнинг ғамини ейдиган киши Аллоҳ йўлида жиҳод қилган билан баробар бўлади.

62. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Бетоб биродарини кўргани келган киши жаннат йўлидан келгандек бўлади. Бемор ёнида ўтирганида, унга Аллоҳнинг марҳамати ёғилади. Эрталаб келган бўлса кечгача, кечқурун келган бўлса эрталабгача етмиш минг фаришта унга салавот айтади.

63. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Бемор киши ҳузурига кирганингизда «умринг узоқ бўлади», деб кўнглини кўтаринг. Бу билан ҳеч нарса ўзгармайди, аммо беморнинг руҳи энгиллашади.

64. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Беморни зиёрат қилганингизда унинг пешонасига ёки кўлига кўлингизни қўйиб, «тузукмисан?» деб сўранг.

65. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Бир бузуқ (фоҳиша) аёл бир итнинг қудуқ ёнида ташналиқдан ўлай деб ётганини кўрибди. Белбоғига кавшини боғлаб, қудуқдан сув олиб, итга ичирган экан, гуноҳлари кечирилибди.

66. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

- Бир аёл мушук туфайли азобга ҳукм қилинган. У мушукни қамаб қўйган, мушук очдан ўлган экан. Шу иши учун аёл дўзахга ташланган.

67. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

- Ўлганларни сўкманг. Улар қилган ишларига жавоб бераптилар.

68. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

- Ўлганларнинг яхшиликларидан гапиринг, ёмонликларидан гапирманг.

## VI. Садақа ҳақида

**69. Сизларга берган ризқимиздан ажалингиз етишидан аввал хайр-эҳсон қилиб туринг, токи «Раббим (ажалимни) кейинроққа сурса эди, садақалар бериб солиҳ (одам)лар қаторига ўтиб қолардим», — деб қолманг. («Мунофиқун», 10)**

**70. Олтин, кумушларини ғазналарига яшириб, Аллоҳ йўлида сарфламайдиганларга аламли азоб борлиги хабар қилинган. («Тавба»,34)**

71. Яқининг — қариндошинг ҳаққини адо эт, мискин (бечора), йўловчи (мусофир)нинг ҳам. Мана шу Аллоҳ жамолига интилганлар учун яхшидир. Ана ўшалар нажот топгувчилардир.

72. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Олов ўтинни адо қилганидек, ҳасад хайрли ишлар савобини адо қилади. Оловни сув ўчирганидек, хато — гуноҳни садақа ўчиради.

73. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Садақа берган билан банданинг моли камайиб қолмайди.

74. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Биродарингга кулиб боқшинг — садақа, яхшиликка ундаб, ёмонликдан қайтаришинг - садақа. Адашган кимсага йўл кўрсатишинг - садақа. Сенга ёмон кўз билан қараган кишига яхши кўз билан қарашинг — садақа. Йўлдан тош, тикан, суякларни олиб ташлашинг — садақа. Челагингдаги сувингдан биродарингга қуйиб беришинг - садақа.

75. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

- Инсон ҳар аъзоси учун ҳар ёруғ кунда садақа қилиши керак. Икки кишини муросага келтирса — садақа, бирон кишининг уловга миниб олишига, ёки юкини ортиб олишига ёрдам берса — садақа, яхши сўз — садақа, намоз ўқиш учун қўйилган ҳар бир қадам - садақа, ўтишга хала-қит бераётган нарсани йўлдан олиб ташлаш — садақа.

76. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Экилган ўсимлик мевасидан бирор кимса ё ҳайвон еса, ўша ўсимликни эккан мусулмонга садақа савоби ёзилади.

77. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Ҳар бир мусулмон садақа бериши керак.  
— Садақа қилишга ҳеч нарсаси бўлмаса-чи?  
— Ишлаб ўзига ва садақа қилишга нарса топсин.  
— Иш топа олмаса-чи?  
— Бошига мусибат тушиб, ёрдамга муҳтож бўлиб қолган кишига мадад берсин.  
— Ундай қила олмаса-чи?  
— Яхшиликка ундасин.  
— Ундай ҳам қила олмаса-чи?  
— Ёмонликдан ўзини тийсин, шу ҳам садақа бўлади.

78. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Ҳар қандай яхши иш - садақа. Биродарингни очиқ чеҳра билан кутиб олишинг ҳам - яхши иш, биродарингнинг идишига челагингдан сув қуйиб беришинг ҳам — яхши иш.

79. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Бир мискинга берилган садақа — битта савоб, қариндошга берсангиз иккита савоб — ҳам қариндошчилик, ҳам садақа савобини оласиз.

80. Расулulloҳ (с.а.в.)дан сўрадилар:

— Расулulloҳ, айтинг, энг афзал садақа қандай бўлади?  
— Айтаман, — дедилар Расулulloҳ (с.а.в.) — ўзинг соғ-саломат бўлиб, бойлигингни кўзинг қиймайдиган пайтда берганинг, дунёдан ҳали умидинг кўп бўлиб, фақирликдан қўрқадиган вақтингда берганинг афзал. Бу ишни кейинга суриб, ажалинг етиб жонинг бўғзингга етганида «Фалончига уни беринг, писмадончига буни беринг» деганингни фойдаси йўқ, чунки энди хохласанг ҳам, хохламасанг ҳам, бор топганинг ўшаларники бўлади.

## VII. Сахийлик ва зиқналик ҳақида

**81. Эй, имон келтирганлар! Берган садақаларингизни миннат қилиш ва озор бериш билан йўққа чиқарманг. («Бақара», 264)**

**82. Аллоҳ ўзининг фазлу карами ила берган нарсаларига зиқналик қилганлар буни ўзларига яхшилик деб билмасинлар, аксинча, бу улар учун ёмондир, зиқналик қилиб олиб қолган нарсалари қиёматда бўйинларига бўйинтуруқ қилиб қўйилади («Оли Имрон», 180)**

83. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз хутбаларида дедилар:

— Ҳеч зиқналик қилманг — сизлардан аввалгиларни ҳалок қилган зиқналиқдир.

84. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Сахий киши — Аллоҳга яқин, жаннатга яқин, одамларга яқин, дўзахдан узоқ. Хасис киши — Аллоҳдан узоқ, жаннатдан узоқ, одамлардан узоқ, дўзахга яқин. Аллоҳ таолога хасис олимдан сахий оми суюклироқ.

85. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Кишининг қалбида ҳам имон, ҳам зиқналик бўлмайди.

### **VIII. Исрофгарчилик ҳақида**

**86. Енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар. У (Аллоҳ) исроф қилгувчиларни севмайди. («Аъроф», 31)**

**87. Яқининг (қариндошинг) ҳаққини адо эт, мискин (бечора) ва йўловчи (мусофир)нинг ҳам, аммо исрофгарчилик қилма. Исрофгарлар шайтонларга биродар бўладилар. Шайтон эса Раббига кўрнамак бўлган. («Исро», 26 — 27)**

88. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Енг, ичинг, садақа қилинг, кийим-кечаклар кийинг, аммо исрофгарчилик ва манманликка йўл қўйманг.

89. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

- Кўнглинг тусаганини ея беришинг исрофгарчиликдан бўлади.

### **IX. Ҳалол ва ҳаром ҳақида**

**90. Ўлимтик гўшти, қон, чўчқа гўшти, Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, сузишдан ўлган, (бирор жойини) йирқтич ҳайвон еган ҳайвонлар гўшти сизларга ҳаром. (Шаръий йўл билан сўйиб) поклаб олишга улгурганингиз бундан мустасно. Шунингдек, бут - санамларга атаб сўйилганлар ҳам — ҳаром. («Моида», 3)**

**91. Энди сизларга (ҳамма) покиза нарсалар ҳалол бўлди. Аҳли китобларнинг (яхудий ва насронийларнинг) таомлари сизларга, сизларнинг таомингиз уларга ҳалол («Моида», 5)**

**92. Эй, имон келтирганлар, Аллоҳ сизларга ҳалол қилган нарсаларни ҳаромга чиқарманг. Ҳаддан ошманг, Аллоҳ ҳаддан ошганларни севмайди. («Моида», 87)**

93. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Мусулмон-мусулмонга биродар. Биродари билан олди-сотди қилганида молининг нуқсонини айтиб қўймаслик ҳалолликдан эмас.



94. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Ҳалол ростгўй савдогар (охиратда) набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлади.

95. Расулуллоҳ(с.а.в.) дедилар:

— Сен сўрамасанг ҳам бирон нарса берилса, олгинда, ўзингга ишлат ва садақа қилиб юбор.

96. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Кучук ялаган идиш етти марта ювилади. Биринчи ё иккинчи мартасида тупроқ билан. Мушук ялаган бўлса, бир марта ювилса етади.

## **X. Вафо ва хиёнат ҳақида**

97. Расулуллоҳ(с.а.в.) дедилар:

— Ишончли бўлмаганда имон йўқ, аҳдига вафо қилмаганда диёнат йўқ.

98. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Сенга ишонганнинг ишончини оқла, сенга хиёнат қилсалар ҳам сен хиёнат қилма.

99. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Биродарига тўғри йўлни била туриб, бошқа йўлни кўрсатиш - хиёнат.

100. Расулуллоҳ(с.а.в.) дедилар:

- Киши ваъдасини бажаришга уринса-ю, имкон топа олмаса, гуноҳкор бўлмайди.

101. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

- Қавмга бош бўлган киши Аллоҳдан сўраганида ёлғиз ўзи учун сўрамасин. Агар шундай қилса, қавмига хиёнат қилган бўлади.

## **XI. Ҳаё ҳақида**

102. Расулуллоҳ(с.а.в.) дедилар:

- Ҳар диннинг ўзига хос хусусияти бор. Мусулмончиликнинг хусусияти - шарм-ҳаё.

103. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

- Ҳаё фақат яхшилик келтиради.

104. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

- Ҳаё ва камгаплик имондандир. Оғзи шалоқлик ва сергаплик эса — мунофиқликдан.

105. Бир ансорий биродарига ҳаёли бўлиш лозимлигини уқтираётганида Расулуллоҳ(с.а.в.) ўтиб қолдилар ва:

- Қўй, овора бўлма, ҳаё имондан бўлади, - дедилар.

## **XII. Озодалик, орасталик ҳақида**

106. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Уйғонганингизда уч марта ювмасдан қўлингизни сувли идишга тикманг — уйқуда қўлингиз қаерларга текканини билмайсиз.

107. Расулulloҳ (с.а.в.) хоҳ кечаси, хоҳ кундузи уйқудан турганларида, таҳоратдан олдин тишларини албатта мисвок билан тозалар эдилар.

108. Молик ибн Надла ҳикоя қилади:

— Бир куни Расулulloҳ (с.а.в.) хузурида ўтирган эдим. У киши менинг жулдур кийимдалигимни кўриб: «Мол-давлатинг борми?», — дедилар. «Ҳа, ҳамма нарсам бор», — дедим. «Аллоҳ сенга мол-давлат берган бўлса, уст-бошингдан билиниб турсин», — дедилар.

109. Эркакка ўхшамоқчи бўлган аёлни ва аёлга ўхшамоқчи бўлган эркакни Расулulloҳ (с.а.в.) лаънатлаганлар.

110. Ҳусн деб, Аллоҳ берган суратни ўзгартирган — баданига игна билан нақш солдирганга ҳам, солганга ҳам, қошини ва юзидаги бошқа тукларини терганга ҳам, тердирганга ҳам Расулulloҳ (с.а.в.) лаънат айтганлар.

111. Ойша (р. а. ) айтадилар:

— Бир куни олдимга Усмон ибн Мазъуннинг хотини Ҳувайла бинт Ҳаким келган эди. Расулulloҳ уни кўриб, менга: «Ойша, Ҳувайла нечук бундай исқирт бўлиб қолибди?» — дедилар. Мен: «Унинг эри йўқ ҳисоб, Расулulloҳ, — дедим. — Эри кундузи рўза тутади, кечаси билан тоат-ибодат қилади. Хотини билан иши йўқ. Шунинг учун ўзига қарамай қўйган».

Расулulloҳ Усмонни чақиртирдилар. Келганида: «Менинг суннатимдан юз ўгириясанми, Усмон?», — дедилар. У бўлса: «Йўғ-е, Расулulloҳ, Худо ҳаққи, суннатингизни деб юрибман-ку!», — деди. Шунда Расулulloҳ: «Мен ухлайман, намоз ўқийман, рўза тутаман, ифтор қиламан, хотинларимга қарайман. Худодан кўрқин, Усмон, сенда оилангнинг ҳаққи бор, меҳмонингнинг ҳаққи бор, ўзингнинг ҳам ҳаққинг бор. Вақтида рўзангни тут, ифторингни қил, намозингни ўқи ва вақтида ёт», — дедилар.

### XIII. Изн сўраш ҳақида

**112. Эй, имон келтирганлар! ўзингизниқидан бошқа уйларга ўзингизни танитмасдан, изн сўрамасдан ва хонадон аҳлига салом бермасдан кирманг. Шундай қилсангиз ўзингизга яхши бўлади, бунинг ёдингизда тутарсиз. Хонадонда ҳеч ким бўлмаса ҳам, рухсат тегмагунча кирманг. Агар кимдир сизга «Қайтинг (кирманг)!» деса, қайтинг (кирманг). Шунда ўзингизга муносиб иш тутган бўласиз. Аллоҳ нима қилаётганингизни билади. Ҳеч ким яшамайдиган уйда бирор юмушингиз бўлса, (изн сўрамасдан) киришингизнинг айби йўқ. Аллоҳ ошкор қилаётган ва пинҳон тутаётган ишларингизнинг ҳаммасини билади. («Ан-нур», 27 — 28 )**

**113. Эй, имон келтирганлар! Уч пайтда — бо-дод намозидан аввал, ечиниб ётишингиз эҳтимоли бўлган тушдан кейинги пайтда ва хуфтон намозидан кейин қўл остингиздагилар (қул ва чўриларигиз) ва вояга етмаган болаларингиз ҳам ҳузурингизга рухсат сўраб кирсинлар. («Ан-нур», 58)**

114. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Бирор кишининг ҳузурига кириш учун уч марта рухсат сўрасангиз , жавоб бўлмаса, ортингизга қайтаверинг.

115. Бир киши Расулulloҳ (с.а.в.)дан сўради:

- Ўз онамнинг ҳузурларига кириш учун ҳам рухсат сўрашим керакми?

- Ҳа, - дедилар.

- Мен улар билан бир уйда яшайман-ку?
- Барибир, ҳузурларига кириш учун рухсат сўрайсан.
- Ахир мен уларнинг хизматларидаман-ку?
- Барибир изн сўрайсан. Онангни кийимсиз ҳолда кўришни истайсанми?
- Йўқ.
- Шунинг учун рухсат сўраб кирасан.

116. Эрлари уйида йўқ аёлларнинг ҳузурларига киришимизни Расулulloҳ (с.а.в.) тақиқлаганлар.

117. Расулulloҳ (с.а.в.) аёлларнинг ҳузурларига кириш учун аввал уларнинг эрларидан рухсат олиб, кейин ўзларидан изн сўрашни буюрганлар.

118. Расулulloҳ (с.а.в.) бирор уйга келсалар, эшикнинг тўғрисида эмас, ўнг ёки чап томонидан: «Ассалому алайкум, ассалому алайкум», деб яқинлашар эдилар. ўша вақтларда эшикка парда тутиш расм бўлмаган эди.

119. Бир киши Расулulloҳ (с.а.в.)никига келди ва эшикнинг тўғрисида туриб киришга изн сўради. Расулulloҳ (с.а.в.):  
— Ундоқроқ ёки бундоқроқ тургин, чунки изн аслида (кириш учун эмас) кўриш учун сўралади, — дедилар.

120. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:  
— Ҳеч ким рухсат сўрамай уй ичкарасига қарамасин. Қараган кирган билан баробар.

121. Расулulloҳ(с.а.в.) дедилар:  
— Уйингга рухсатсиз мўралаган кишига тош отиб, кўзини чиқарсанг ҳам гуноҳ бўлмайди.

122. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:  
— Бировнинг уйига рухсат сўрамай пардани очиб қараган ва хонадон аҳлининг авратини кўрган киши катта гуноҳ қилган бўлади. Уни уриб кўзини чиқаргани мен айбламайман. Пардаси йўқ очиқ эшик ёнидан ўтаётиб, назари тушган бўлса, айб унда эмас, хонадон аҳлида бўлади.

123. Расулulloҳ (с.а.в.) уйларида ибодат билан машғул эдилар. Бир киши хоналарига мўралаб турганини кўриб қолдилар. Садокларидан камон ўқи олиб, кўздан ғойиб бўлгунича тиқиб олмоқчидек ўқталиб турдилар.

124. Жобир ибн Абдуллоҳ айтади:  
— Отамнинг бўйинларидаги қарз масаласида Расулulloҳ (с.а.в.)нинг олдиларига келган эдим.Эшикни тақиллатсам, «Ким у?», деб сўрадилар. «Мен», — деб жавоб бердим. У киши жавобимни ёқтирмагандай «Мен... мен эмиш», — дедилар норози оҳангда.

125. Бир киши Расулulloҳ (с.а.в.) уйларида келиб: «Кирсам бўладими?», деб изн сўради. Расулulloҳ (с.а.в.) ходимларига: «Чиқиб, унга рухсат сўрашни ўргат, - дедилар. - «Ассалому алайкум, кирсам бўладими?» - десин». У киши бу гапни эшитиб, «Ассалому алайкум, кирсам бўладими?» — деган эди, Расулulloҳ (с.а.в.) рухсат бердилар.

126. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:  
— Икки кишининг орасига фақат уларнинг рухсатлари билангина кириш мумкин.

127. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Уч киши бўлсангиз, иккитангиз бир-бирингиз билан шивирлашманг. Учинчингизга оғир ботади.

128. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Кимдир сизга бирон нарсани айтаётиб атрофга аланглаб қўйса, билингки, унинг гапи сир, омонат бўлади, уни ошкор қилиш мумкин эмас.

#### **XIV. Меҳмондўстлик ҳақида**

129. Абу Ҳурайра ривоят қилади:

— Бир ансорийникига меҳмон келибди. Унинг уйида оиласишшг бир кунлик емишидан ортиқ ҳеч вақо йўқ экан. Хотинига: «Аввал болаларни ухлатиб, чироқни ўчир. Кейин меҳмон олдига борингни қўясан», — дебди.

Мана бу оят ўшанда нозил бўлган экан:

**Ўзлари танг аҳволда бўлсалар-да, ўзгалар ҳожатини чиқарадилар... («Ҳашр», 9)**

130. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган киши яхши гапни гапирсин ё сукут сақласин; қўшнисини ҳурмат қилсин; меҳмонига иззат-икром кўрсатсин.

131. Расулulloҳ(с.а.в.) дедилар:

— Меҳмондўст бўлмагандан яхшилик кутма.

132. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Овқат тортилган бўлса, идишлар йиғиштириб олингунга қадар ўрнингиздан туриб кетманг. Қорнингиз тўйса ҳам қўлингизни артмай тулинг ёки узрингизни айтиб қўйинг, токи бошқалар қоринлари тўймаган бўлса ҳам уялганларидан қўлларини артиб қолишмасин.

133. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

- Меҳмонни уйнинг эшигигача кузатиб чиқиш вожиб.

134. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

- Меҳмондорчилик уч кунгача. Ортиғи — меҳмонга садақа.

135. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

- Зиёфат бир кун бўлади. Иккинчи кун — эҳсон, учинчи кун — риё, довруқ чиқариш учун бўлади.

136. Молик ибн Надла (саҳоба) Расулulloҳ (с.а.в.)дан сўрабди:

- Мен мана бу кишиникига борсам, мени меҳмондек кутиб олмайди. Меникига келганида мен ҳам шундай қилайми, Расулulloҳ?

Расулulloҳ (с.а.в.):

- Йўқ, сен меҳмон қилгин, - дебдилар.

#### **XV. Салом бериш, кўришиш ҳақида**

**137. Сизга салом берилса, сиз ундан яхшироқ ёки уникидақа алик олинг. («Ан-Нисо», 86)**

138. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Раҳмонга ибодат қилинг, (ночорларга) овқат беринг, салом бериб (тинчлик тилаб) юринг, шунда жаннатга кирасиз.

139. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Жоним кўлида бўлган зот номи билан қасамки, имонли бўлмагунча жаннатга кирмайсиз. Бир-бирингизга меҳрли бўлмагунча имонли бўлмайсиз. Қандай қилиб бир-бирингизга меҳрли бўлишни айтайми? — Бир-бирингизга салом бериб (тинчлик тилаб) юринг.

140. Бир киши Расулulloҳ (с.а.в.)дан сўради:

— Мусулмончилик фазилати нимада? Расулulloҳ (с.а.в.) жавоб бердилар:

— Ночорларни тўйғазишда ва таниган-танимаганларга салом бериб (тинчлик тилаб) юришда.

141. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Аллоҳнинг даргоҳида қабул қилинадиган ҳажнинг мукофоти жаннат бўлади.

— У қандай ҳаж бўлади, Расулulloҳ?

— Ночорларни тўйдириб туриш ва салом бериб (тинчлик тилаб) юриш.

142. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Киши мусулмон биродарини учратганида «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ» десин.

143. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Одамлар фақат танишларига салом берадиган бўлиб қолишлари Қиёмат яқинлашганининг белгиси бўлади.

144. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

- Биринчи бўлиб салом берадиганлар Аллоҳ наздида яхши одамлардир.

145. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— (Гапни) саломдан бошлаган одам Аллоҳ (азза ва жалла)га ва унинг Расулига яқинроқ бўлади.

146. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Кичик каттага, юрган ўтирганга, озчилик кўпчиликка салом беради.

147. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Отлиқ пиёдага, юрган ўтирганга, озчилик кўпчиликка салом беради.

148. Расулulloҳ(с.а.в.) дедилар:

— Аввал салом, сўнгра калом. Салом бермагани дастурхонга таклиф қилманг.

149. Анас ибн Молик айтади:

— Расулulloҳ (с.а.в.) менга: «ўғлим, хонадонинг аҳли ҳузурига ҳам салом бериб кир. Шунда сенга ҳам, уларга ҳам барака бўлади», деганлар.

150. Усома ибн Зайд айтади:

— Расулulloҳ (с.а.в.) мусулмонлар ва яҳудийлар аралаш ўтирган жамоа олдидан ўтатуриб, уларга салом берганлар.

151. Жобир ибн Абдуллоҳ айтади:

— Расулulloҳ (с.а.в.) минбарга кўтарилганларида албатта салом берардилар.

152. Анас ибн Молик (р. а. ) болаларнинг ёнидан ўта туриб уларга салом берди ва:

— Расулulloҳ (с.а.в.) шундай қилар эдилар, — деди.

153. Расулulloҳ (с.а.в.) катталарга ва бир-биримизга салом бериб юришни буюрганлар.

154. Расулulloҳ(с.а.в.) дедилар:

— Учрашганда сўрашишнинг энг мукаммали қўл бериб кўришишдир.

155. Расулulloҳ(с.а.в.) дедилар:

— Қўл бериб кўришинг — ўртангиздан адоват кетади. Бир-бирингизга ҳадялар бериб туринг меҳрингиз ортади, гина-кудурат бўлмайди.

156. Расулulloҳ(с.а.в.) дедилар:

— Учрашганда қўл бериб кўришган икки мусулмон хайрлашгунларига қадар гуноҳлари тўкилади.

157. Бир киши сўради:

— Расулulloҳ, киши биродарини ёки дўстини учратганида унга таъзим қиладими?

— Йўқ, — дедилар.

— Қучоқлашиб, ўпишадими?

— Йўқ.

— Қўл бериб кўришадими? -Ҳа.

158. Қатода Анасдан сўради:

— Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобалари орасида қўл бериб кўришиш расм бўлганми?

— Ҳа, бўлган.

159. Бир киши Абу Зардан:

— Расулulloҳ сизлар билан учрашганларида қўл бериб кўришармидилар? — деб сўради.

Абу Зар:

— Мен билан учрашганларида қўл бериб кўришмаганлари ҳеч ҳам бўлмаган, — деб жавоб берди.

## XVI. Юриш, ўтириш ва ётиш одоби ҳақида

**160. Раҳмоннинг (суюкли) бандалари шошмасдан, салобат билан юрадилар. («Фурқон», 63)**

**161. Юрганингда шошмагин ҳам, имламагин ҳам. Овозингни (керагидан ортиқ) кўтармагин. («Луқмон», 19)**

162. Расулulloҳ(с.а.в.) дедилар:

— Намоз бошланаётган бўлса ҳам, чопиб келманг, ховлиқмасдан келинг. Улгурганингни (жамоат билан) ўқийсиз, улгурмаганингни кейин ўқиб қуясиз.

163. Расулulloҳ (с.а.в.) эркак кишининг икки аёл ўртасида юришини тақиқлаганлар.

164. Самура айтган:

— Расулulloҳ (с.а.в.) ўтирганимизда бемалол ўтиришни, омонат ўтирмасликни буюрганлар.

165. Расулulloҳ(с.а.в.) дедилар:

— Бирор даврага кирсангиз, салом бериб кининг. Лозим кўрсангиз, ўтиринг. Кетмоқчи бўлсангиз ҳам салом бериб кетинг.

166. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Ҳар ким ўзи ўтирган ўрнида ўтириши керак. Бирор зарурат билан даврадан чиқиб, қайтган киши аввалги ўрнида ўтиришга ҳақли.

167. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Зинҳор йиғинда ўтирган биродарингизни турғазиб ўрнига ўтирманг.

168. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— ўтирганингизда, ётганингизда оёқларингизни чалиштириб олманг.

169. Расулulloҳ (с.а.в.):

— Йўл бўйида ўтирманглар, — дедилар.

— Ўтирсак нима қилибди? Гаплашиб ўтирамизда.

— Ўтирмасликнинг иложи бўлмаса, йўлнинг ҳақини бериб ўтиринг.

— Йўлнинг ҳақи нима бўлади?

— ўтганларга тикилиб қарамаслик, одамларга халақит берадиган нарсаларни йўлдан олиб ташлаш, саломга алик олиш, яхшиликка ундаб, ёмонликдан қайтариш.

170. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Ётаётганингизда чироқларни ўчириб, эшикларни ёпиб, мешларнинг оғзини боғлаб, озиқ-овқат ва сув идишларининг қопқоғини ёпиб қўйинг.

171. Хафса (Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг завжалари):

— Расулulloҳ ётганларида ўнг кафтларини ўнг ёноқлари остига қўйиб ётар эдилар, — деган.

172. Расулulloҳ (с.а.в.) бир одам қорнини ерга бериб ётганини кўриб, «Бундай ётиш Аллоҳга хуш келмайди», — дедилар.

173. Расулulloҳ (с.а.в.) устига ҳеч нарса ёпмай қорнини ерга бериб ётган кишини кўрсалар, уни оёқлари билан туртиб: «Бундай ётиш Аллоҳ таоло наздида энг ёмон ётиш», — дердилар.

## **XVII. Камтарлик, кибру ҳаво ҳақида**

**174. Гердайиб юрмагин, барибир (товонинг билан) ерни тешиб юборолмайсан, баландликда тоғларга етолмайсан. («Исро», 37)**

**175. Одамларни менсимасдан афтигни буриштира, гердайиб юрма. Кеккайган, гердайганларни Аллоҳ суймайди. («Луқмон», 18)**

176. Расулulloҳ(с.а.в.) дедилар:

— Аллоҳ «Камтарин бўлинглар, ҳеч ким бировни хўрламасин, ўзини бошқадан баланд кўрмасин», деб менга ваҳий юборган.

177. Расулulloҳ(с.а.в.) дедилар:

- Дилида хантал уруғидек кибру ҳаво бўлган киши жаннатга кирмайди. Қалбида хантал уруғидек имон бўлган киши дўзахга тушмайди.

178. Расулulloҳ (с.а.в.):

— Қалбида заррача кибру ҳавоси бўлган киши жаннатга кирмайди, — дедилар.

Бир киши сўради:

— Одам чиройли кийим, яхши пойафзал кийиб, ясаниб юришни яхши кўрса-чи?

- Аллоҳ ўзи гўзал ва гўзалликни суяди. Кибру ҳаво эса гердайиш ва одамларни менсимасликдир, - дедилар.

179. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

- ўзига бино қўйиб, кеккайиб юрганлар Аллоҳнинг ғазабини келтирадилар.

### XVIII. Ғазаб ҳақида

180. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

- Беллашганда зўр чиқадиган эмас, ғазаби келганда ўзини тута оладиган одам кучли бўлади.

181. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

- Жаҳлингиз чиққанда турган бўлсангиз, ўтириб олинг, босилса босилди, босилмаса - ётиб олинг.

182. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— ғазаб шайтондандир. Шайтон оловдан яралган, олов эса сув билан ўчирилади. Жаҳлингиз чиқса, таҳорат олинг.

### XIX. Ғийбат, бўҳтон ҳақида

**183. Бировдан айб қидириб жосуслик қилманг! Бир-бирингизни ғийбат ҳам қилманг! ўлган биродарингизнинг гўштини ейиш ёқадими ? (Ахир) бундан ҳазар қиласиз-ку. («Хужурот», 12)**

**184. Иффатли, имонли, (аммо) ғафлатда қолган аёллар ҳақида бўҳтон гаплар тарқатганларга бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам лаънат бўлади. Уларни қаттиқ азоб кутади («Нур»,23)**

**185. Иффатли аёллар ҳақида уларнинг шаънига тегадиган гап гапириб, ўша гапини тасдиқлайдиган тўртта гувоҳ топа олмаганларни саксон дарра уриб жазоланг. Минбаъд уларнинг гувоҳликларини инобатга олманг, улар фосиқлардир. («Нур», 4)**

186. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Ғийбат нима, биласизми?

— Аллоҳ ва унинг Расули биздан яхши билади.

— Биродарингиз ортидан унга ёқмайдиган гап гапиришингиз.

— Гапирган гапимиз рост бўлсачи?

— Рост бўлса ғийбат бўлади-да! Ёлғон бўлса бўҳтон бўлади.

187. Расулulloҳ(с.а.в.) дедилар:

— Ғаламислик нима, биласизми? ғаламислик — гап ташиб одамлар орасини бузиш.

188. Расулulloҳ(с.а.в.) дедилар:

— Ифвогар ғийбатчи жаннатга кирмайди.

### XX. Шубҳа, гумон ҳақида

**189. Эй, имон келтирганлар! Шубҳа-гумонлардан узоқда бўлинг, баъзи шубҳа-гумонлар**



**гуноҳ бўлади. («Хужурот», 12)**

**190. Гумон ҳеч қачон ҳақиқат ўрнини боса олмайди. («Юнус», 36)**

191. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:  
- Яхши гумон яхши бандада бўлади.

## XXI. Ёлғон ҳақида

192. Расулulloҳ(с.а.в.):  
- Одамлар, ёлғон гувоҳлик Аллоҳга ширк келтириш билан тенг, — деб, мана бу оятни ўқидилар:  
**Бут-санамлар разолатидан узоқлашинг, шунингдек, ёлғон гапдан ҳам четда бўлингш («Ҳаж», 30)**

193. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:  
- Алдоқчи ҳам, миннатчи ҳам, хасис ҳам жаннатга кирмайди.

194. Ойша (р. а.) шундай деган:  
— Ёлғончиликни Расулulloҳ инсон сифатларининг энг жирканчи деб билардилар.

195. Бир киши Расулulloҳдан сўради:  
— Жаннатга нима олиб боради, Расулulloҳ?  
— Ростгўйлик. Ростгўй одам пок бўлади, пок бўлса имонли бўлади, имон эса жаннатга олиб боради.  
— Дўзахгачи, Расулulloҳ?  
— Ёлғончилик. Ёлғон гапирган киши бузуқ бўлади, бузуқлик кофирликка етаклайди. Кофирлик эса дўзахга олиб боради.

196. Расулulloҳ (с.а.в.)дан сўрадилар:  
— Мўмин кўрқоқ бўлиши мумкинми?  
— Ҳа, мумкин, — дедилар.  
— Мўмин хасис бўлиши мумкинми?  
— Ҳа, мумкин.  
— Мўмин ёлғончи бўлиши мумкинми?  
— Йўқ, мумкин эмас, — дедилар Расулulloҳ (с.а.в.).

197. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:  
— Мўминда ҳамма хислатлар бўлиши мумкин, фақат хиёнаткорлик ва ёлғончилик бўлмайди

198. Расулulloҳ(с.а.в.) дедилар:  
— Мунофиқнинг учта белгиси бор: ёлғон гапиради, ваъдасига вафо қилмайди, омонатга хиёнат қилади.

199. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:  
— Мунофиқ намоз ўқиб, рўза тутгани билан, «мусулмонман» деб даъво қилгани билан уч илллати бўлади: ёлғон гапиради, ваъдасига вафо қилмайди, омонатга хиёнат қилади.

200. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:  
— Унга бу юзини, бунга у юзини кўрсатадиган иккиюзламачи одам қабиҳ бўлади.

201. Расулulloҳ(с.а.в.) дедилар:

.— Банда ёлғон гапирса, фаришта унинг оғзидан чиқаётган сассикдан жирканиб, ундан узоқлашади.

202. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Биродаринг гапингга ишонаётганини била туриб, ёлғон гапирсанг, унга хиёнат қилган бўласан.

203. Расулulloҳ(с.а.в.) дедилар:

— Ёлғонни жиддий ҳам, ҳазиллашиб ҳам гапириб бўлмайди. Ёлғон ваъдани ҳеч ким ўз боласига ҳам бермасин.

204. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Ёш болага бўлса ҳам «Буёққа кел, мана буни ол», — деб, ҳеч нарса бермаган ёлғончи бўлади.

205. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Киши берган ваъдасини бажариш ниятида бўлса-ю, бажаролмаса, гуноҳкор бўлмайди.

206. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Мусулмонга қарши асоссиз гувоҳлик берган киши дўзах оташида ёниши муқаррар.

207. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Киши уч ҳолатдагина ёлғон гапириши мумкин: хотини билан муроса қилиш учун; уруш вақтида (ҳарбий мақсадларда); одамларни муросага келтириш учун.

208. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Одамларни муросага келтириш учун ошириб-тоширган билан, яхши гапларни тўқиб гапирган билан киши ёлғончи бўлиб қолмайди.

## XXII. Бошқа турли мавзулар

209. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Кучли мўмин заиф мўминга қараганда яхшироқ ва Аллоҳ таолога суюклироқ.

210. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Одамлар зулм қилаётган кишини кўрсалар-у, биронталари уни тўхтатмасалар, Аллоҳ ўша зулм учун уларнинг ҳаммаларини жазолаши мумкин.

211. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Ёмонларнинг ёмони — олимларнинг ёмони, яхшиларнинг яхшиси — олимларнинг яхшиси.

212. Бир киши Расулulloҳ (с.а.в.)дан сўради:

— Жиҳоднинг қандай афзал?

— Золим султон ҳузурида ҳам ҳақ гапни гапириш, - дедилар.

213. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Йўлда ётган тикан, шохни олиб ташлаган кишидан Аллоҳ мамнун бўлади ва унинг гуноҳларидан кечади.

214. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

— Банда тиланчилик эшигини очиши билан Аллоҳ унга қашшоқлик эшигини очиб қўяди.

215. Расулуллоҳ (с.а.в.) судхўрлик қилиб даромад олганни ҳам, берганни ҳам, бу ишда котиблик қилганни ҳам, гувоҳ бўлганни ҳам лаънатлаганлар.

216. Расулуллоҳ (с.а.в.) пора берганни ҳам, олганни ҳам лаънатлаганлар.

217. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Овқатланиб, шукрини адо қилган киши сабр билан рўза тутган даражасида бўлади.

218. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Озга шукр қилмаган кўпга ҳам шукр қилмайди. Одамлардан миннатдор бўлмаган Аллоҳдан ҳам миннатдор бўлмайди (шукр қилмайди).

Аллоҳ берган неъмат ҳақида гапириш унга шукр айтишдир, гапирмаслик эса куфрдир.

219. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Жамоатга имомлик қилган киши намозни енгилроқ ўқисин, чунки жамоат ичида бетоблар, ожизлар ва шошиб турганлар бўлиши мумкин.

220. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Кимдир бирор айбинг учун сени сўкса, унинг ўзида ҳам шундай айб борлигини билсанг ҳам, сен уни сўкма. Шунда сенга савоб, унга гуноҳ бўлади.

221. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Мол-мулкнинг кўплиги бойлик эмас. Бойлик — кўнгил тўклиги.

222. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Маслаҳат ишончли одамдан сўралади.

223. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— ўргатинг, осонлаштиринг қийинлаштирманг. Жаҳлингиз чиқса, сукут сақланг.

224. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

— Эзгуликка йўл кўрсатувчи ўша эзгуликни қилган билан тенг ажрга эга бўлади.

225. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: .

— Мен сизларни уч нарсадан қайтарар эдим:

Қабрларни зиёрат қилишдан.

Кейин билсам мазорда кўздан ёш оқиб, қалб юмшар экан. Зиёрат қилаверинглар, аммо (қабр тепасида) кўпол гапларни гапирманглар;

Қурбонлик гўштини уч кундан ортиқ сақлаб туришдан. Кейин билсам, одамлар унинг терисини олишни, меҳмонларига тақдим этишни, сафардагиларига асраб қўйишни истар эканлар.

Хоҳласангиз сақлаб, еяверинг;

Мана бу идишлар (қовоқдан ясалган, мумланган)дан ичишдан. (Билсам, гап идишда эмас экан). Хоҳлаган идишингиздан ичаверинг.

226. Муоз ибн Жабал (саҳоба) деди:

— Расулуллоҳ: «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ), «ва Муҳаммадун абдуҳу ва расулуҳу» (Муҳаммад эса унинг бандаси ва элчиси) деб сидқидилдан шаҳодат келтирган бандасини Аллоҳ дўзахдан асрайди, - дегандилар. Мен: «Одамларга бу гапни етказиб, суюнтирайми?» — деб сўрасам: «Унда хотиржам, лоқайд бўлиб қоладиларда», - дегандилар.

Муоз бу гапни ўлими олдидан айбдорона оҳангда гапирди.

227. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

- Одам боласининг ҳаммаси ҳам хатога йўл қўяди. Хато қилганларнинг яхшилари - тавба қилганлардир.

## **МУНДАРИЖА**

Одоб-ахлоқ дурдоналари  
Хушхулқлик ва хушфеъллик ҳақида  
Мўмин-муслмонларнинг бир-бирларига муносабатлари ҳақида  
Одамларни муросага келтириш ҳақида  
Қариндошчилик ва қўшничилик ҳақида  
Меҳр-мурувват ҳақида  
Садақа ҳақида  
Сахийлик ва зикналик ҳақида  
Исрофгарчилик ҳақида  
Ҳалол ва ҳаром ҳақида  
Вафо ва хиёнат ҳақида  
Ҳаё ҳақида  
Озодалик, орасталик ҳақида  
Изн сўраш ҳақида  
Меҳмондўстлик ҳақида  
Салом бериш, кўришиш ҳақида  
Юриш, ўтириш ва ётиш одоби ҳақида  
Камтарлик, кибру ҳаво ҳақида  
Ғазаб ҳақида  
Ғийбат, бўҳтон ҳақида  
Шубҳа, гумон ҳақида  
Ёлғон ҳақида  
Бошқа турли мавзулар